# 9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 9-may, № 19 (540)

Республика Бош прокуратурасида





# Инсон азиз, дийдор ғанимат

Бундан олтмиш икки йил муқаддам инсоният тарихидаги энг мудҳиш уруш тўхтатилганди. Аслида мудҳиш бўлмаган урушнинг ўзи йўқ. Лекин жаҳоннинг олтмишдан ортиқ давлатини ўз комига тортган, қарийб эллик миллион кишининг умрига зомин бўлган, тарих ғилдирагини мутлақо бошқа йўлга буриб юборган Иккинчи жаҳон уруши ҳақида гапирилганда мудҳиш дейишнинг ўзи камлик қилади. Миллионлаб оналарни фарзандларидан, фарзандларни оталаридан айирган, дунёга вайронагарчилик, қаҳатчилик олиб келган бу уруш асорати Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. Бу урушда ёвузлик устидан қозонилган буюк ғалабада ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Мана бир неча йиллардирки, халқимиз 9 майни Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонлаб келмоқда. Президентимиз томонидан бу кунга шундай ном берилиши ҳозирги ёруғ кунларнинг қадрига етиш, Ватан озодлиги, ободлиги учун фидойилик кўрсатган юртдошларимизнинг ёрқин хотирасини улуғлашни англатади. Айниқса Иккинчи жаҳон урушида Ватан озодлиги учун фашизмга қарши жанг олиб борган, унинг эркини, шаънини ўз ҳаётидан устун қўйган минглаб юртдошларимизнинг жасорати олдида бош эгамиз. Шунингдек, ҳаётимизни фаровон қилишга, одамлар орасида ҳалоллик, адолат каби фазилатларни тарғиб қилишга муносиб ҳисса қўшган меҳнат фахрийларини қадрлаш зиммамиздаги қарз. 8 май куни Ўзбекистон Бош прокуратурасида Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳам мана шулар ҳақида гапирилди.



Бош прокуратуранинг мажлислар залида байрам муносабати билан бўлиб ўтган йиғилишни Республика Бош прокурори Рашитжон Қодиров очар экан, жумладан шундай деди:

- Муҳтарам фахрийлар! Сизни байрам билан табриклашга ижозат эттайсиз.

Президентимиз томонидан 9 майнинг Хотира ва қадрлаш куни сифатида белгиланиши бу кунни мазмунан янада бойитди. Дарҳақиқат, ўтганлар хотирасини ёд этиш, кексаларни ҳаётлигида қадрлай билиш барча учун ҳам фарз, ҳам қарзга айланмоғи шарт. Кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат, ўзаро меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизга хос улуғ фазилатлардир. Мамлакатимизда кенг нишонланадиган Хотира ва қадрлаш куни айнан мана шу мақсадга хизмат қилади.

Узоқ йиллар прокуратура идораларида меҳнат қилиб, ҳозирда кексалик гаштини сураётганлар 223 нафарни ташкил этиб, уларнинг 18 нафари уруш қатнашчиларидир. Улар қонунийликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, адолат устуворлигини тарғиб қилишда ҳар доим бизга ўрнак бўлиб келишган.

Бугун бу ерга биз ҳар доим қадрлайдиган фахрийларнинг бир қисми ташриф буюрган. Байрам муносабати билан Сиз азизларни қутлар эканман, барчангизга узоқ умр, соғлик, тинчлик-омонлик тилайман.

(Давоми 2-бетда).

*Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор, Хива туманидаги Меҳрибонлик уйи директори Вера Борисовна ПАК портретига чизгилар*

## Меҳр туйғуси

Ҳар гал Нукусга борганимда Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳакимбой ака Ҳалимов билан учрашиб, қилинадиган ишлар хусусида маслаҳатлашаман.

— 2007 йилнинг Давлатимиз раҳбари томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши замирида ҳам катта маъно бор, — дейди Ҳакимбой ака. — бир-биримизга меҳр-оқибатли, саховатли халқмиз. Дунё яралибдики, халқимиз ҳеч қачон ҳамюрти, ҳамқишлоғини ёлғизлатиб қўймаган. Яхши кунида ҳам, ёмон кунида ҳам у билан бирга бўлган. Яқинда Хива туманидаги Меҳрибонлик уйида бўлганимда бунга яна бир бор амин бўлдим. Бу ерда яратилган шарт-шароитлар катта таассурот қолдирди. Айниқса, барчамиз яхши таниган, қалби дарё юртдошимиз Вера Борисовна Пакнинг олиб бораётган ишлари мени тўлқинлантириб юборди...

Ҳакимбой Ҳалимовнинг бу сўзлари мени опа ҳақида мақола ёзишга ундади. Суҳбатимизнинг эртасигаёқ қадимий ва навқирон Хива шаҳрига отландим. У ерда бўлиш кишига завқ-шавқ бағишлайди. Юртбошимиз Ислом Каримов Хива шаҳрининг 2500 йиллиги тантаналарида сўзлаган маърузасида «Хива — гўзал диёримизнинг гавҳари, халқимиз санъати ва бунёдкорлиги тимсоли, маданий-маънавий анъаналаримизнинг абадийлигини ўзида мужассам этган бир мўъжизадир» дея таърифлаган эди. Бизга ҳамроҳлик қилган Хива туман прокурори Ражапбой Каримов шаҳар тарихи, одамлари, айниқса кейинги пайтларда бу ердаги Меҳрибонлик уйида амалга оширилган ишлар хусусида гапириб берди.

...Меҳрибонлик уйига кириб борганимизда бизда биринчи таассурот қолдирган нарса у ердаги озодалик бўлди. Ҳаммаёқ саранжом-саришта.

Вера Пак билан иш кабинетида учрашдик.

— Узр, келганларингни ҳам билмай қолибман.

— Ҳечқиси йўқ, хижолат бўлманг.

Опадаги ишчанлик, ғайрат, болаларга бўлган меҳр ҳар бир сўзидан ҳам аён бўлиб турарди.

(Давоми 3-бетда).

# «МУСТАҚИЛЛИК ҲУҚУҚ ДЕМАКДИР»

## кўрик-танловига марҳамат




Мустақилликнинг ўн олти йиллигига бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси муассислигидаги «Huquq» газетаси таҳририяти кўрик-танлов эълон қилади.

Ватанимиз мустақиллигининг ўн олти йиллиги олдидан Республика Бош прокуратураси ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, қонунийликни таъминлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастуридан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш йўлидаги фаолияти ёрқин акс эттирилган, мустақиллик туфайли мамлакатимизда юз бераётган буюк ўзгаришлар замондошлар онгида, руҳиятида, қалбида ва қиёфасидаги янгиланиш, она-Ватанга садоқат ва муҳаббат, миллий ғурур ва инсоний қадриятлар улуғланган энг яхши очерклар, мақолалар, репортажлар, суҳбатлар, фото-лавҳалар ва бошқа жанрдаги материаллар ижодкорларини, прокуратура ва ҳуқуқ-тартибот органларининг ҳуқуқий тарбия ишида фаол қатнашувчи ходимларини, барча қаламкаш дўстларни кўрик-танловда қатнашишга таклиф этамиз.

### КЎРИК-ТАНЛОВ ЎТКАЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Юборилаётган материаллар босма ёзувда кўчирилган бўлиши ва унда «Мустақиллик ҳуқуқ демакдир» кўрик-танловига тақдим этилаётганлиги кўрсатилиши шарт. Кўрик-танловга тақдим этилган материаллар «Huquq» газетасида чоп этилади.

Эълон қилинган материаллар ички тақриз қилиниб, хулосалар кўрик-танлов ҳайъатига тақдим этилади.

Ҳайъат хулосаси ҳал қилувчи кучга эга.

Голиблар «Huquq» газетасида, Мустақиллик куни арафасида эълон қилинади.

### ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ

«Huquq» газетасида чоп этилган энг яхши мақолалар учун учта мукофот ажратилади.

**Биринчи мукофот — *200 минг сўм;***
**Иккинчи мукофот — *150 минг сўм;***
**Учинчи мукофот — *100 минг сўм.***

Бундан ташқари, кўрик-танловнинг энг фаол иштирокчилари учун учта рағбатлантирувчи мукофотлар таъсис этилади.

Кўрик-танлов материалларини қуйидаги манзилга юборишингиз мумкин.

**Тошкент, Яҳё Ғуломов кўчаси, 66-уй, «Huquq» газетаси таҳририятига**

# Инсон қадри улуғ, инсон

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шундан сўнг фахрийларга совғалар, гуллар топширилди. Сўз уруш қатнашчиси, прокуратура фахрийси Рустам Муҳаммедовга берилди.

— Бугунги осойишта кунлар қадрига етишимиз зарур, — **деб бошлади Рустам Муҳаммедов ўз сўзини,** — Мен урушга 22 июн куни соат бешда кирганман. Немис фашистларининг сон жиҳатидан уч баравар кўп кучларига қарши ўн икки соат жанг олиб борганмиз. Бошимиздан нималар ўтмади дейсиз. Урушни 1945 йил 9 май куни Берлинда тугатганмиз. Тинчлик йилларида прокуратура идораларида хизмат қилдим. Нафақага чиққанимдан кейин кўрсатилаётган иззат-икромдан беҳад мамнунман.

Шундан кейин уруш ва меҳнат фахрийлари Эгамберди Ҳакимов, Александр Красиковлар ҳам сўзга чиқишиб, ўз миннатдорчилик ва табрикларини билдиришди.

Сўнг Республикамизнинг турли вилоятларидан ташриф буюрган уруш ва меҳнат фахрийлари Мустақиллик майдонида барпо этилган Хотира майдонига йўл олишди.

Манзил сари борилар экан, жанггоҳларда кўрсатган жасоратлари учун қадалган турли орден ва медаллари кўкракларини безаб турган фахрий отахон-у онахонларни жажжи болажонлар кутиб олишди.

Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, мангу олов олдида ўтганлар хотираси бир муддат эсга олинди.

— Бугунги фаровон, осойишта кунларимиз учун шукроналар келтирмай бўладими, — **дейди прокуратура фахрийларидан бири Турсуной Қодирова.** — Отам Салоҳиддин Тошхўжаев урушга кетганида тўрт ёшда бўлганман. У киши Наманганнинг Косонсой туманидан урушга кетиб, Белоруссияни озод қилишда ҳалок бўлган. Қабри Липецк шаҳрида. У ерга бориш имконияти доим ҳам бўлавермайди. Шунинг учун мана шу Хотира майдонини отам каби урушдан қайтмаганларнинг рамзий қабри деб билиб, ҳар йили 9 майда зиёрат қилиб тураман. Илоҳим бундан кейин уруш кўрмайлик...

Тадбир жараёнида фахрийларимиздан таассуротлари ҳақида сўрадик.

**Нарзулла Лутфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист:**

— Мана беш йилдан бери Хотира ва қадрлаш куни арафасида прокуратура фахрийлари, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиларини чақириб байрам тадбири ўтказиш анъанага айланди. Биз фахрийларни мана шу даражада эъзозлаб келишаётганидан кўнглимиз тоғдай кўтарилиб, умримиз, меҳнат фаолиятимиз бекорга ўтмаётганини ҳис қиламиз. Мен Қашқадарёда 44 йил прокуратура тизимида ишлаганман. Бугунги тадбирдан, раҳбариятнинг эътиборидан миннатдормиз. Уларнинг ишларига ривож тилаб, барча юртдошларимизни бу улуғ байрам билан табриклаб қоламан.

**Сурен Микрчитьян, афсонавий Сталинград жанги иштирокчиси, прокуратура фахрийси:**

— Бугун бўлиб ўтаётган тадбирдан ниҳоятда хурсандмиз. Бу тадбир сабаб, биз фахрийлар собиқ ҳамкасбларимиз билан кўришиш, дийдорлашиш имкониятига эга бўлдик. Ҳаммаси учун раҳмат. Яна нима дейишим мумкин, барча инсонларни буюк ғалаба куни билан табриклайман.



## Инсон азиз, дийдор ғанимат



**Нажжен Канназаров, Қорақалпоғистон Республикаси, прокуратура фахрийси..**

— Мен прокуратура соҳасида 25 йил ишлаб, нафақага чиққанман. Бугунги тадбирга таклиф этилганлар қаторида менинг ҳам таассуротларим бир дунё. Мана шундай тадбирлар ўтказиб, биз фахрийларни қадрлаб келаётган Бош прокуратура раҳбариятига, хусусан, Бош прокуроримиз Рашитжон Қодировга, шунингдек, биз фахрийларнинг аҳволидан доим хабар олиб турган фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази раҳбари Ботир Калоновга қорақалпоғистонлик ҳамкасблар номидан миннатдорчилик билдираман.

Тадбир ниҳоясида фахрийлар Бош прокуратура ҳовлисида тўкин дастурхон устида самимий суҳбатни давом эттиришди. Дастурхонга ош тортилди.

Тадбир барчада, айниқса, фахрийларимизда унутилмас таассуротлар қолдиргани шубҳасиз.

Ватан озодлиги, юрт фаровонлиги учун курашган инсонларни эл-юрт ҳеч қачон унутмайди. Хотира ва қадрлаш кунига бағишлаб ўтказилган тадбирлар бунинг ёрқин исботидир.

**Музаффар ЭГАМБЕРДИЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма прокурори**

---

1981 йилнинг қиши. Фарғона туман прокурори Ҳамза Нўмонов, туман ИИБ бошлиғи, ходимлар Фарғона шаҳрининг чеккасидаги ҳарбий полигонга етиб боришди. Қирда темир-терсак йиғиб юрган ўқувчи болалар бошсиз аёл жасади солинган қопни кўриб қолиб, милицияга хабар беришибди. Тезда аёлнинг шахсини аниқлашга киришилди. Суриштирувда ҳарбий қисм офицерларидан бири хотини йўқолиб қолгани ҳақида ИИБга мурожаат қилгани маълум бўлди. Бироқ ушбу қисм Термиз шаҳрига кўчирилганди. Офицернинг хотини Олтой ўлкасидан экан. Зудлик билан онасини Водилга олиб келишди. Аёл қизини танигач, марҳуманинг турмуш тарзи, эри билан муносабатлари ўрганилди. Маълум бўлишича, А.Калинин ичиб олиб, хотинини уриб-калтаклар экан. Қўшниларнинг сўзларига қараганда йўқолиб қолишидан бир кун аввал ҳам эри ичиб келган, тўполон қилган. Эр сўроқ қилинганида айбига иқрор бўлди. Хотинини уриб, ўзи ётоқхонага кириб ухлаб қолган. Кечаси уйғонганида қараса, хотини ўлиб қолибди. Бошини кесиб олиб, сумкачага жойлаб, шаҳар четидан оқиб ўтувчи сувга оқизиб юборган. Танасини қопга солиб, қирга олиб бориб ташлаган. Офицернинг содир этган жиноят иши ҳарбий прокуратурага оширилди...

...Ҳамза отасини фақат онасининг хотиралари орқали тасаввур қила оларди. Чақалоқлигида, иккинчи жаҳон уруши бошланганидан кейин кўп ўтмай отаси Нўмонжон ака фронтга кетгач, ундан «қора хат» келган экан. Жамилахон аяси дадасини

## КАМТАРИН ВА ЗАҲМАТКАШ УСТОЗ

эслаганида юрагидаги армон кўзларидан ёш бўлиб қуюларди. Аясини юпатаркан, тақдиру азалнинг шафқатсизлиги ёш қалбини ўртарди. Ҳамза китобдан бош кўтармасди. Ҳуқуқшуносликка қизиқиши Тошкент Давлат университетининг юридик факультетига етаклади.

1965 йили Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туман прокуратурасида иш бошлади. Марҳамат тумани, Асака шаҳри, Андижон вилоят прокуратураларида терговчи, прокурор ёрдамчиси, бўлим прокурори лавозимларида меҳнат қилди.

— Эргаш ака Қосимов, Ўринбой ака Бозоровнинг қўлларида иш ўргандим, — дейди Ҳамза ака марҳум устозларини ёдга олар экан. — Терговчиликнинг сир-асрорлари мураккаб вазиятларда тўғри қарор қабул қилишимда асқотди...

У ҳозирда нафақадаги прокуратура фахрийлари Назиржон ака Раҳимов, Аҳмад ака Мамажонов каби устозларидан ўрганиб, касб маҳоратини сайқаллаб борди. 1974-77 йиллари Фарғона вилояти прокурори ҳузурида бош терговчи, 1977-87 йиллари икки муддат мобайнида Фарғона туман прокурори, нафақага чиқиш арафасида вилоят прокуратураси бўлим прокурори лавозимларида иш юритди. 2001 йили Ҳамза ака Нўмоновни пенсияга кузатишди.

— Нафақадаги уруш ва меҳнат фахрийлари иззат-икромда, тез-тез йўқлаб туришади, — дейди у. — Пенсияга чиққан йилим орадан бир ой ўтиб вилоят прокуратурасидаги Наврўз байрамида прокурор ёшларга қарашиб турсангиз, деди. Кўнглимдаги гапни айтди...

Тажрибали ҳуқуқшуносга туман прокуратурасида алоҳида хонани жиҳозлаб беришган.

— Устоз ўзига ва ўзгаларга талабчан, — дейди Фарғона туман прокурори Ғайратжон Фозилов. — Маслаҳатларини аямайди. Ёш ходимлар устоздан пишиқ-пухта, бекаму кўст иш юритишни ўрганишяпти.

Ҳамкасблари, нафақадаги меҳнат фахрийлари қатори Ҳамза ака Нўмонов жамият ва фуқароларга сидқидилдан хизмат қилиб, қадр топди. Водилликлар кўнглининг тўридан жой олди.

**Исроил ИБРОҲИМОВ,**
**«Huquq» мухбири**

---

## «ҚАДДИ БАЛАНД, ИМОНИ БУТ»

**Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази фаолият кўрсатиб келаётир. Айни «Хотира ва қадрлаш» куни арафасида ушбу жамоат ташкилоти раҳбари Ботир Калоновдан интервью олдик.**



**— Ботир Ҳамзаевич, марказнинг бугунги кундаги фаолияти унинг олдига қўйилган вазифаларга қанчалик мос деб ҳисоблайсиз?**

— Миллатимизга хос анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда ташкил этилган жамоатчилик марказининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилган. У ҳам бўлса, ҳозирда кексалик гаштини сураётган прокуратура фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, доимий эътибор кўрсатишдан иборат. Ҳозирги кунда республикамизда 223 нафар ана шундай фахрийлар бор. Улардан 18 нафари уруш қатнашчисидир.

2003 йилда Бош прокуроримиз ташаббуси билан мазкур марказнинг ташкил этилишининг ўзига хос жиҳатлари бор. Аввало, прокуратура органларида ишлаш кишидан фидойиликни талаб қилади. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, адолат устуворлигини таъминлаш учун прокуратура ходими минг бир машаққатни енгиб ўтиши зарурлигини ўз тажрибамдан яхши биламан. Бинобарин, мана шундай шарафли вазифа йўлида ўз билими ва куч-қувватини сарфлаган, бутун умр элнинг хизматида камарбаста бўлган прокуратура фахрийларини эъзозлаш, барчамизнинг бурчимиздир. Қолаверса, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда катта авлод вакилларининг тажриба ва малакасидан фойдаланиш марказ тузилишидан кўзланган мақсадлардандир.

**— Бу борада олиб борилаётган тадбирларга тўхталсангиз...**

— Биз прокуратура фахрийларини турли тадбирларга жалб қилиб турамиз. Юбилейлари муносабати билан уларнинг хонадонларида меҳмон бўлиб, қутлуғ ёшлари билан табриклаймиз. 2006 йилда бундай тадбирларга бир неча миллион сўм маблағ сарфланди. Ўттизга яқин фахрийлар марказ ёрдами билан дам олиш масканларида даволаниб, ҳордиқ чиқардилар. Барча фахрийлар «Huquq» газетасига бепул обуна қилинади. Бундан ташқари мунтазам равишда фахрийлар билан ёш ҳуқуқшуносларнинг учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

**— Ботир ака, прокуратура фахрийлари орасида иккинчи жаҳон урушида иштирок этганлар ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз...**

— Бундай инсонларнинг прокуратура тизимида фаолият олиб борганлигидан фахрланаман. Иккинчи жаҳон уруши кўпгина халқлар қатори юртимиз бошига ҳам кўплаб кулфат келтирган. Мана шундай офатни бартараф этиб, бугунги тинч ҳаётни, ватанимиз озодлигини бизга туҳфа этган ҳамюртларимиздан биз чексиз миннатдормиз, албатта. Ана шундайлардан бири Алексей Голубенкодир. У 1941 йилда фронтга кетган. Москва остоналарида жангни бошлаб, то Берлингача етиб борган. Алексей жангларда бир неча марта оғир жароҳат олган бўлишига қарамасдан фронтга қайтиб, мардларча курашди. Берлинда кўрсатган жасорати учун унга қаҳрамон унвони берилган. Урушдан кейин у Тошкент юридик институтини тугатиб Тошкент вилояти прокуратурасида ишлади. У 2001 йилда вафот этди. Прокуратура органларида ишлаган бундай жасоратли шахсларнинг рўйхатини яна давом эттиришимиз мумкин.

Уларнинг хотираси ҳеч қачон унутилмайди. Зеро, ўз бурчига содиқ қолиб, қадди тик, имони бутлигича қолган бундай нуронийларни эъзозлаш халқимизнинг улуғ фазилатларидандир.

**Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ**
**тайёрлади**

# хотираси - муқаддас



# ҚАДРЛАГАН ҚАДР ТОПАДИ

Қонун ҳимоячиси бўлиш унинг болалик орзуси эди. Маҳалласидаги форма кийган амакиларга ҳавасми ёки табиатидаги чўрткесарлик боисми, ҳар ҳолда прокурор бўлиш истаги унда ўқувчилик йилларида пайдо бўлди. Ҳар қандай вазиятдан босиқлик билан чиқишга интилиши билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Темирчи уста бўлган отаси оилада ҳам темир интизомни талаб қиларди. Матназар ҳам ички интизом билан яшаш ва меҳнат қилиш кўникмасини дастлаб оиласида ўрганди.

У ҳарбий хизматдан қайтгач, университетнинг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширди. Ўқишни тугатиб, Урганч шаҳар прокуратурасига иш ўрганувчи-терговчи бўлиб келди. Бу ерда тажрибали прокурорлар маслаҳатига қулоқ тутди. Тиришқоқ ва интилувчан йигит ярим йилдан кейин катта терговчи вазифасига ўтказилди. Кўп ўтмай уни вилоят прокуратурасига бўлим бошлиғи қилиб тайинлашди.

Матназар Отабоев Урганч шаҳар прокурорининг ўринбосари вазифасида ишлаган йиллари ҳақиқий маҳорат мактаби бўлганини эслайди. Ўша кезлар собиқ иттифоқда катта шов-шув бўлган Тошкент металл фарнитура заводи катта устаси Манелесга оид жиноят ишининг Абрам Шимоновга таалluқли қисмини тергов гуруҳи раҳбари сифатида олиб борди. Тергов гуруҳи олдига айбдорларнинг кирдикорларини фош этиш вазифаси қўйилган эди. М.Отабоев бошчилигидаги гуруҳ икки йил давомида иш олиб бориб, уларнинг айбини ашёвий далиллар билан исботлаб берди. Бу қаҳрамонимизнинг дастлабки йирик иши эди.

Урганч шаҳар ва туман прокурори, Хоразм вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, Жиззах вилоят прокурори лавозимларида хизмат қилган пайтида ҳам масъулият ҳиссини бир дақиқа бўлса-да унутмади. Кейинги йилларда Урганч ва Янгиариқ туманлари прокурори вазифаларида ишлаб, меҳнат нафақасига чиқди.

— Мен кўплаб ажойиб инсонлар билан бирга ишлаганимдан фахрланаман, — дейди Матназар ака ўз фаолият йилларини хотирларкан. — Шулардан бири Юсуф Раҳмоновдир. У ўз касбининг устаси, ўта билимдон ва адолатпарвар прокурор эди. Бешафқат ўлим уни орамиздан олиб кетди. Бугун фарзандлари Акмал ва Қудратлар ота изидан бориб, прокуратура органларида самарали фаолият кўрсатишмоқда.

Тақдир синовлари Матназар акани ҳам четлаб ўтмади. Ички ишлар идораларида хизмат қилаётган Умрбекнинг бевақт ўлими ота бардошини синади. Мусибат тоғу тошларни-да емириши рост экан. Ўттиз йилдан зиёд бирга яшаб, иккита ўғил ва иккита қизни оқ ювиб, оқ тараб ўстирган Клара опанинг ҳам ҳаётни эрта тарк этиши ёшулли учун яна бир зарба бўлди.

Эгизак қизлари Шаҳодат ва Шоҳисталар Матназар аканинг доимий ғамхўрлари. Унга яқин елкадош бўлишмоқда. Айниқса 95 ёшни қаршилаётган онаси Гулпошша момонинг дуолари Матназар акага куч-қувват бағишлайди. У кенжаси Музаффарга оғасининг ҳам армонларини ушалтиришга масъул эканлигини кўп таъкидлайди. У айни пайтда Тошкент юридик институтининг иккинчи курсида таҳсил олмоқда.

Матназар ака бекор ўтиришни ёмон кўради. Айни пайтда у Шимол газ таъминот корхонаси Хоразм вилоят бошқармаси ҳуқуқшуноси сифатида соҳада қонунлар ижросини таъминлашга баракали улуш қўшиб келмоқда.

**Улли БОБОЕВ,**
**журналист**

# ХАЛОСКОРЛИК ВА МАНГУЛИК

Иккинчи жаҳон урушини эслашимиз биланоқ кўз ўнгимизда ўтган асрнинг 41-45 йилларидаги даҳшатли воқеалар гавдаланади. Дарҳақиқат, ўша йиллари бўлиб ўтган уруш республикамиз халқини синовдан ўтказди. Дунёни ларзага солган, инсониятнинг ашаддий душмани ҳисобланган фашизмни тор-мор этиш учун ўзбек халқининг алп ўғлонлари ҳам курашга отландилар. Жанговар ҳаракатларда халқимизнинг асл фарзандлари мардлик ва фидойилик намуналарини кўрсатдилар. Шу ўринда савол туғилиши табиий. Ўзбекистонликлар ким учун ва нима сабабдан жанговар ҳаракатларда иштирок этдилар, фронтларда жон олиб, жон бердилар?

Шуни таъкидлаш керакки, ҳарбийларимиз, энг аввало, жонажон юртимиз учун, ота-оналари, опа-сингиллари, ака-укалари учун курашдилар, қолаверса, дунё халқларининг тақдирига бефарқ қарамадилар. Улар дунёнинг тинчлигини Ўзбекистоннинг тинчлиги деб тушундилар.

Юртимиздан фашизмга қарши жангга отланганларнинг аксариятини эндигина 18 баҳорни қаршилаган навқирон йигитлар ташкил қиларди. Улар душманга қарши очиқ далаларда, окопларда, сувда, ҳавода, бир сўз билан айтганда ўта оғир шароитларда курашдилар. Россия, Украина, Белоруссия, Молдова, Болтиқбўйи республикалари, бир қатор Европа давлатларини фашизм асоратидан халос этишда уларнинг хизматлари катта бўлди. Айниқса, Польшани озод этишда генерал Собир Раҳимов қўмондонлигидаги 37-гвардиячи Речицк ўқчи дивизияси қаҳрамонлик кўрсатди.

С.Раҳимовга 1943 йилнинг 19 мартида генерал-майор унвони берилган. У 37-гвардиячи Речицк ўқчи дивизиясига 1944 йилнинг куз ойларидан командирлик қила бошлайди. Ростов-Дон, Шимолий Кавказ, Кубань, Тамань ярим ороли ва Белоруссиянинг қатор шаҳарларини озод этишдаги жангларда юксак даражада командирлик маҳоратини намойиш қилди. У мазкур дивизия билан Польшанинг (Грауденц) Грудзёндз, Гнёв, Староград, Дзялдова шаҳарларини озод этишда, айниқса, душманинг Гурдзёндздаги қисмини тугатишда жонбозлик кўрсатди. Бу жангда 5 минг нафар фашист аскарлари, шу жумладан 2 нафар генерал ва кўплаб зобитлар асирга олинди. Эндиги вазифа Польшанинг порт шаҳри Гданьск (Данциг)даги фашистларнинг йирик қисмини тугатишдан иборат эди. Бунда С.Раҳимов дивизияси генерал-полковник П.И.Батов қўмондонлигидаги 65-армиянинг таркибида жанг ҳаракатларини олиб борди. Унинг дивизияси Гданьск остонасида душманнинг 50 мингдан ортиқ аскарларига ва бошқа ҳарбий техникаларига қарши матонат билан жанг қилди ва бунинг натижасида шаҳарга биринчилардан бўлиб киришга муваффақ бўлди. С.Раҳимов ана шу оғир жанглардан бирида – 1945 йил 26 мартда қаттиқ яраланди ва ҳалок бўлди. Орадан 20 йил ўтгач, 1965 йил 6 майда унга уруш Қаҳрамони унвони берилди. Унинг номи биз учун доимо қадрлидир. Бугунги кунда республикамиздаги туман, кўча ва мактаблар унинг номи билан юритилиши фикримизнинг ёрқин далили бўла олади. Бундан ташқари, унинг номи Польшада 1989 йилда чоп этилган «Хотира» китобида қайд этилганлиги ҳам ғоятда қувонарлидир.

Польша учун бўлган оғир жангларда Ўзбекистондан ҳадя қилинган ҳарбий самолётда учувчиларимиз ҳам мардона жанг қилдилар. Жумладан, Абдусаттор Эшонқулов эскадрилиясига Грудзёндз шаҳри қальасида қуршаб олинган душманнинг кучларини тор-мор этишда қўшинларимизга мадад бериш вазифаси топширилди. А.Эшонқулов ўз гуруҳи билан икки кун давомида дивизияга ҳаводан мадад бериб турди.

Эшонқулов Белоруссиядан Германиягача бўлган узоқ кураш йўлларида юздан ортиқ жанговар учиш қилди. У фашистларнинг 28 та танкини, 138 та автомашинасини, 11 та миномётини, 93 та темир йўл вагонини, 3 та паровозини яксон қилди ва 1500 дан ортиқ гитлерчиларни қириб ташлади. Шунинг учун ҳам Олий Бош Қўмондон томонидан Абдусаттор Эшонқуловга 23 марта ташаккур эълон қилинганлиги ҳақидаги тарихий ҳужжатлар бор. Унга 1945 йил 18 августда уруш Қаҳрамони унвони берилди. Урушни Германияда тамомлаган А.Эшонқулов авиация қисмларида хизмат қилиб, 1960 йил Тошкентга қайтади.

Президентимиз таъкидлаганларидек: «Фашизм балосини даф этиш, жаҳон аҳли орзиқиб кутган ғалабани таъминлашда кўплаб халқлар қатори Ўзбекистон халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшган. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида 1,5 млн. нафар ватандошимиз иштирок этган. Уруш майдонларида ўз Ватанининг эркинлиги ва озодлиги учун, бугун биз кечираётган осуда ҳаёт учун, мусаффо осмонимиз учун жон берган, қурбон бўлган 450 мингдан зиёд ватандошимиз шулар жумласидандир. Бунча одамнинг қурбон бўлганини ўйлаш, фараз қилиш, кўз ўнгидан ўтказишнинг ўзи изтиробли ҳол. Бу уруш башарият бошига солган чексиз мусибатлар ҳеч қачон унутилмайди. Уруш майдонлари ва фронт ортида миллионлаб одамлар кўрсатган жасорат ва матонат тарихимизда, халқимиз хотирасида абадул-абад сақланиб қолади».

**Ҳаким АЗИМОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси**

# Меҳр туйғуси

**(Давоми. Бошланиши 1-бетда).**

Вера Борисовнага мақсадимизни айтганимизда у киши бизга таржимаи ҳоли ёзилган бир варақ қоғозни узатди. «Вера Борисовна Пак 1938 йил 13 ноябрда Қўнғирот туманида туғилган. Миллати корейс...».

Қолганини опанинг ўзи давом эттирди:

— Ота-боболаримиз асли узоқ Приморье ўлкасидан. Сталин давридаги қатағонлар туфайли Қорақалпоғистоннинг Қўнғирот туманига келиб қолишган. Оилада 5 нафар фарзанд бўлиб, кенжаси мен эдим. Ота-онам бу воҳага биринчи келганларида яшашга оддий бошпаналари ҳам бўлмай, ертўлада яшашган. Қўнғиротликлар бағри кенг халқ экан, оиламизга ёрдам беришди. Уй, кийим-кечак, ейиш-ичиш дегандай...

Опа бироз тин олиб, кўзлари ёшланди.

— ...Лаънати уруш ҳамма жойга ўз таъсирини кўрсатарди. Отам ҳам уруш йиллари меҳнат фронтида ишлади ва оғир хасталикка чалиниб, 1947 йили вафот этди. Онам ёлғизланиб қийналиб қолди. Акам Валентин ўша пайтлари Манғит туманида ишлаётганди. Бизларни кўчириб олиб кетди.

1956 йили Манғитдаги ўрта мактабни тугатдим ва шу йили Нукус педагогика институтига ўқишга кирдим. Ўқишни 1961 йили тамомлаб, йўлланма билан Хива туманидаги 3-сонли ўрта мактабда ўқитувчилик қила бошладим, илмий бўлим мудири бўлдим. 1960 йили ўзим билан институтда бирга ўқиган Владимир Пак исмли йигитга турмушга чиқдим. Ажойиб инсон. Учта фарзандимиз бор. Ўғлим Вадим тарбиячи, қизим Инесса муҳандис. Кичик қизим Валерия фармацевт. Икки неварам бор. Ўғлим Вадим хивалик Оқила исмли ўзбек қизга уйланди. У ҳам меҳрибонлик уйида тарбиячи.

— Ўзбек қизини севиб қолган-да, — опанинг гапига аралашдик.

— Ҳа, улар бу ерда бирга ишлаб юриб, бир-бирини севиб қолишган. Мен бундан жуда хурсандман. Сабаби, ўзбек, корейс миллатларининг урф-одатлари бир-бирига жудаям ўхшаш. Тўйларимиз ҳам деярли бир хил.

— Вера Борисовна, гапингизни бўлганим учун узр сўрайман. Энди жамоангиз, бу ерда амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳам айтиб берсангиз?

— Мен 1985 йили бу даргоҳга директор бўлиб келганман. Бунгача Хива шаҳар халқ маорифи бўлимида инспектор эдим. Жамоамизда 60 нафар ходим ишлайди. Кўпчилиги олий маълумотли йигит-қизлар. Улар 130 нафар ёшларга таълим-тарбия беришяпти. Мазкур меҳрибонлик уйи 1920 йилларда ташкил этилган. Уруш йилларида ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар бу ерга келтирилган. У пайтлари шароит ҳам талаб даражасида эмас, кўримсиз бинода жойлашган, хоналар тор эди...

Чин дилдан қилинган меҳнат ҳеч қачон зое кетмас экан. Бугун бу даргоҳда тарбия топган ёшлар орасидан фан намояндалари, муҳандислар, врачлар, ўқитувчилар, офицерлар етишиб чиқди. Бобур Ўразов ҳозир Бухоро вилоятида ҳарбий қисмда ишлайди. Ҳамза Мамадалиев Сирдарё вилоятида алоқачи. Қудрат Абдуллаев, Улуғбек Каримов, Анвар Бакиев, Темур Тилабовлар Самарқандда, Бахтиёр Юсупов Тошкент ҳарбий билим юртида ўқияпти. Биз меҳрибонлик уйида тарбияланаётган болалар билан алоҳида-алоҳида шуғулланамиз. Уларнинг қизиқишлари ва интилишлари бўйича керакли касб эгалари бўлишларига ёрдам берамиз. Ҳозир Умида Нурсаидова, Амир Тиллабоев лицейда «аъло» баҳоларга ўқишяпти. Қудрат Матсафоев бўлса келажакда журналист бўлмоқчи.

Мен бугун меҳрибонлик уйимизга ҳар томонлама ёрдам берган барча-барча мутасаддиларга, ҳомийларимизга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Улар меҳрибонлик уйидан чиққан кўплаб тарбияланувчиларни уй билан таъминлашди. «Сиз онамсиз, мен сизга яқинроқ жойда яшашим керак», дейишади улар. Ҳа, уларнинг бари менинг фарзандларим. Ўзбекистонда энг серфарзанд она мен бўлсам керак.

Вера опа ишидан, болаларидан мамнун. Чунки меҳрибонлик уйида болаларнинг яхши яшашлари, ўқиб-ўрганишлари учун барча шароитлар мавжуд. Чўғдек гиламлар тўшалган ётоқхоналар, кутубхона, компьютер хонаси, спорт зали, ошхона, бассейн, сартарошхона ишлаб турибди. Қизлар учун моҳир қўллар тўгараги ташкил этилган бўлса, ўғил болалар ҳунармандчиликдан сабоқ олишяпти.



— Биз ҳаётда яхши ўқитувчи бўлолмаслигимиз мумкин, лекин яхши тарбиячи бўлишимиз шарт, — дейди Вера опа. —Айтмоқчиманки, кўнгли ўксик болаларни ранжитишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

— Вера опа, Сиз 2001 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони бўлгансиз. Айтинг-чи, Президентимиз қўлидан ушбу унвонни олаётганингизда нималарни ҳис қилдингиз?

— У пайтдаги ҳис-ҳаяжонимни таърифлаб беролмасам керак. Қувончим ичимга сиғмасди. Мендай оддий корейс аёлининг хизматларини эътиборга олиб юксак мукофотга лойиқ кўришлари мен учун катта бахт эди. Бунинг учун Президентимиздан чексиз миннатдорман. Мукофот мени, жамоамизни янгидан-янги марралар сари илҳомлантираверади. Танамда жоним бор экан, халқимизга ҳалол ва сидқидилдан хизмат қилавераман.

**Суҳбатдош: Н.ОҚНАЗАРОВ**

# ҚОНУННИ МЕНСИМАГАНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш Департаментининг Мирзо Улуғбек туман бўлими томонидан жорий йилнинг 4 ойи давомида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.**

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги 154-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан 8 та тезкор тадбир ўтказилиб, хорижда ишлаб чиқарилган 34306,4 минг сўмлик товар-моддий бойликлар олиб қўйилди, 5 та ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилди.

Олинган тезкор маълумотларга асосан туманимизнинг Э.Мараимов кўчасида ўтказилган тадбирда «Тааел Нурафшон» қўшма корхонаси раҳбари А.Шодиева хорижда ишлаб чиқарилган 5 дона «Апполо» ютуқли ўйин автоматларни 20.000 АҚШ долларига сотиб, чек ёки унга тенглаштирилган квитанция ёзиб бермаганлиги аниқланди. Қўшма корхонага тегишли бўлган 5 дона «Апполо» ютуқли ўйин автоматлари масала қонуний ҳал бўлгунга қадар бўлим ходимлари томонидан вақтинчалик олиб қўйилди. Ушбу ҳолат юзасидан А.Шодиевага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Айрим тадбиркорлар акциз маркаси елимланмаган тамаки ва спирт маҳсулотларини контрабанда орқали республикамиз ҳудудига олиб киришга уринмоқдалар. Тезкор тадбирларда бир қатор ана шундай қонунбузарликлар пайи қирқилди. Ҳуқуқбузарлардан 1286.1 минг сўмлик спирт ва тамаки маҳсулотлари олиб қўйилди.

Аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш мақсадида истеъмолга яроқсиз маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, бозор ва дўконларда сотилишига қарши курашиш юзасидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Бўлим ходимлари томонидан олинган тезкор маълумотларга асосан туманимизнинг «Ширин» бозорида тадбир ўтказилганида фуқаро А.Калжонов қонунга хилоф равишда қўлбола усулда тайёрланган «Тошкент»ароғини сотаётган пайтда ушланди. Текширув жараёнида А.Калжонов қалбаки алкоголли ичимликларни ноқонуний йўл билан тайёрлаб сотиши аён бўлди. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Қонунга хилоф равишда валюта қимматликлари олди-сотдиси билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан ҳам қонуний чоралар кўрилмоқда. Жумладан, пойтахтимизнинг «Демир» супермаркети ёнида ўтказилган тадбир натижасида фуқаро Н.А.Югай қонунга хилоф равишда фуқаро Н.Хайитбоевадан 200 АҚШ долларини 248 минг сўмга сотиб олганида ушланди. Суриштирув натижасида аниқланишича, Н.А.Югай илгари, 2007 йил февраль ойида ҳам қонунга хилоф равишда валюта қимматликлари олди-сотдиси билан шуғулланганлиги учун унинг устидан жиноят иши қўзғатилган. Кўриниб турибдики, Н.А.Югай қилмишидан тўғри хулоса чиқармасдан жиноий фаолиятини давом эттирган. Энди эса қонунга чап бериб бўлмаслигини англаб етган бўлса ажаб эмас.

**З.ИНАГАМОВ,**
**Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти Мирзо Улуғбек туман бўлими бошлиғи**

# БОЗОРЛАР – ЮРТ КЎРКИ

**Бозорлар фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш, бозор маданиятини юксалтириш, аҳолига кўрсатиладиган хизматлар сифатини янада яхшилашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хўш, бозорлар бугунги кун талабларига жавоб берадими?**
**Ғалаосиё шаҳридаги «Деҳқонобод» деҳқон бозори МЧЖда ўтказилган текширишда ҳам шу саволга жавоб изланди. Президентимизнинг «Бозорлар фаолиятини ташкил этиш ва аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги қарори ижросига қаратилди. Афсуски, бозор фаолиятида қатор камчиликлар борлиги маълум бўлди.**

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги «Ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан савдо қилишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларига кўра, савдо расталарида савдо қилиш шартларига тааллуқли плакатлар, тушунтирув жадваллари, патта тўловлари ставкалари ва хизматлар қийматини кўрсатадиган қайдномалар осиб қўйилиши лозим бўлса-да, бирор-бир савдо растасида бу талаб ижро этилмаганига гувоҳ бўлдик. Касса аппаратлари билан жиҳозланган, патта тўловлари ундириладиган доимий пунктлар йўқлигини нима билан изоҳлаш мумкин? Тўғри, касса аппарати бор, аммо у ишламайди. Ҳисоб рақамида маблағ бўлмаганлиги сабабли 2005 йилдан текшириш кунига қадар бир марталик патталардан фойдаланиб келинган.

Бозорнинг ҳам ўз тартиб-қоидалари бўлади. Уларга қатъий риоя қилиниши, ҳам харидор, ҳам сотувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этувчи чоралар кўрилган бўлиши шарт. Аммо бу борада йўл қўйилаётган лоқайдликлар ўринли эътирозларни келтириб чиқмоқда. Сотувчилар истаган жойларида савдо қилишмоқда. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳар ерда сотилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июлдаги 330-сонли қарори билан тасдиқланган бозорларда савдо фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги қоидаларда кўрсатилган хизматлар учун ҳақ ундириш жойлардаги ҳисобга олиш ходимлари томонидан сотувчиларга назорат касса машиналари чеки ёки давлат солиқ органларида рўйхатдан ўтказилган квитанциялар берилган ҳолда амалга оширилиши белгиланган. Бозордаги аҳвол эса йўриқнома талабларига мутлақо зиддир. 2005 йилдан бери бозор маъмурияти томонидан патталар оддий қоғозда тайёрланиб, туман Давлат солиқ инспекцияси рўйхатидан ўтказилмай ишлатиб келинган. Қарабсизки, кунлик тушумнинг аниқ миқдори ҳам йўқ.

Озодалик ҳар қандай бозорга файз киритади. Лекин мазкур бозор ҳудудидаги аҳвол «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги қонун талабларига жавоб бермайди. Ичимлик суви тизими қайта таъмирлашга муҳтож, водопровод крани ишламайди. Артезиан қудуқдан сув келиши учун мўлжалланган ариқ таъмирталаб, ҳатто тозаланмаган. Сут ва сут маҳсулотлари сотиш учун мўлжалланган павильон йўқ. Гўшт сотиш павильонларида эса совутгичлар ўрнатилмаган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи деҳқонларни тарози, тошлар ва бошқа зарур савдо воситалари билан таъминлаш умуман ташкил этилмаган. Бозорда тозалик ишларини олиб борувчи санитария хизматчилари штати бўш турибди. Чиқиндиларни чиқариш учун бетон хандақлар ва ахлатларни тўплаш, куйдиришга мўлжалланган махсус мосламалар қурилмаган. Аҳвол шу бўлгач, юқумли касаллик келиб чиқмайди дея ким кафолат бера олади?!

Деҳқон бозори ҳудудида 1 та омборхона мавжуд. У ҳам бўлса ҳеч қандай шартномасиз 2003 йилдан ҳозиргача тадбиркор М.Авезовга берилган. Бу омбор учун бозор ҳисоб рақамига умуман пул кўчирилмаган. Ваҳоланки, бу ҳақда туман ҳокими номига 2005-2006 йилларда ахборотнома ва тақдимномалар киритилган, лекин ижобий ўзгариш бўлмаган.

Текширув асосида мавжуд муаммоларни бартараф этиш чоралари кўрилиб, 3 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди. Аниқланган қонунбузилишларни, уларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

**Ибодулло ОДИНАЕВ,**
**Бухоро туман прокурори ёрдамчиси**

# ФЕРМЕР МАНФААТ КЕЛТИРАЯПТИ...МИ?

Истиқлол йилларида барча соҳаларда амалга оширилган изчил ислоҳотлар туфайли кишиларда мулкка бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Уларда яратувчилик, ташаббускорлик, тадбиркорлик ҳисси пайдо бўлди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида юз берган ўзгаришлар деҳқонларимизда ерга эгалик қилиш ҳиссини шакллантирди. Қолоқ хўжаликлар ўрнида ташкил этилган фермер хўжаликлари амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ривожлантиришни таъминлашда етакчи ҳаракатлантирувчи кучга айланди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган ҳосилнинг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келаяпти. Бу қишлоқ инфратузилмасининг шаклланганлигини, фермерларда манфаатдорлик ҳиссининг ортганлигини тўла намоён этиб турибди.

Аммо шоли курмаксиз бўлмаганидек, фермерлар орасида шу залворли номни қуруққа кўтариб юрганлар, ерга ишлов бериш вақтини бекорга ўтказиб юбораётганлар ҳам учраб турибди. Ўтган 2006 йилда 4069 та фермер хўжалиги томонидан давлатга 40232 тонна пахта сотиш шартнома режаси бажарилмаган. Чигит экмасдан ердан бошқа мақсадларда фойдаланган 24 та фермер хўжалигига нисбатан жиноят ишлари қўзғатил[illegible]н.

2006 йил контрактация шартномаси талабига мувофиқ етказиб берилмаган пахта хомашёси қийматининг 25 фоиз миқдорида жарима ундириш, банк кредитлари, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғит, МТП, лизинг, электр энергия ва бошқа хизматлар бўйича сарфланган маблағлар ҳисоблаб чиқилиб, 7 млрд. 628 млн. 930 минг сўм миқдоридаги қарздорликни ундириш бўйича хўжалик судига 7132 та даъво аризаси киритилган. Шундан 4069 таси пахта хомашёси қийматининг 25 фоизи миқдоридаги жаримани, 333 таси қопланмаган имтиёзли кредитни ундириш бўйича бўлса, қолган 2730 та ариза ижара шартномасини бекор қилишга, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, минерал ўғит ва бошқа сарф-харажатларни ундиришга қаратилган.

Маълумки, шартнома манфаатларни кўзлаб тузиладиган муҳим расмий ҳужжат ҳисобланади. Агар томонлардан бири шартномада кўрсатилган талабни бажармаса, жавобгарликка тортилиши аниқ. Минг афсуски, баъзи ҳолларда шартномани шунчаки имзолаётган ёхуд уни кўр-кўрона тузиб қўйиб, кейин пушаймондан боши хам бўлаётган фермерлар ҳам учраб турибди. Ундайлар на давлатнинг, на халқнинг фаровон турмуш кечириши учун ҳисса қўшади, на ўзлари манфаатдор бўлишади.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Косон тумани ҳокимининг 2001 йил 4 апрелдаги қарорига асосан «Оғажон» фермер хўжалиги тузилиб, хўжалик раиси Тошбадал Яҳёев 12 гектар ер майдонида пахта ва ғалла етиштириш мажбуриятини олади. Мазкур фермер хўжалиги 2006 йилда туман пахта тозалаш ОҲЖ билан 5 гектар ер майдонига «Бухоро-6» навли чигит экиб, давлат эҳтиёжи учун 10,4 тонна пахта хомашёси етказиб бериш хусусида шартнома имзолайди. Бироқ, бу шартномадаги рақамларни қалбакилаштириб, яъни 60 гектар майдонга «Бухоро-6» навли чигит экиб, давлатга 122 тонна пахта хомашёси топшириш ҳақидаги сохта маълумотларни киритади. Бу маълумотни «АТ» «Ипотека-банк» нинг Нахшаб филиалига тақдим этиб, 14 млн. 600 минг сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлайди.

Ушбу ҳолат юзасидан «Оғажон» фермер хўжалиги раиси Т.Яҳёев ва бошқаларга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Вилоят прокуратураси органлари бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида давлатга пахта сотиш режасини бажармаган, умуман пахта топширмаган, шунингдек, берилган имтиёзли кредит суммаларини қоплай олмасдан, қарздор бўлиб қолган фермерлар билан учрашув ва мулоқотлар ўтказиб келмоқда. Натижада шартнома интизомини бузиш оқибатини тушуниб етган 1325 та фермер хўжалигидан 331 млн. 884 минг сўм зарар ихтиёрий равишда ундирилишига эришилди.

2006 йилги пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олинишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Президентининг 2006 йил 14 августда «2006 йил пахта хомашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ушбу қарор юзасидан ўтказилган текширишларда бир талай қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, бундай қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан 16 та жиноят иши қўзғатилди. Уларни бартараф этиш бўйича мутасадди раҳбарлар ва тегишли идораларга 30 та тақдимнома киритилди. 810 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймаслик хусусида расман огоҳлантирилди.

Шунингдек, вилоят прокуратураси ҳамда адлия органлари томонидан давлатга пахта топшириш режасини мунтасил бажармай келган 15 та фермер хўжалигидан 651 гектар ер майдонини давлат заҳирасига қайтариб олиш бўйича вилоят хўжалик судига киритилган даъво аризалари қаноатлантирилди.

Ҳа, ерни олиб қўйиб, фермерман, дея кўкракка уриб ғўдайиш билан иш битмайди. Фермер бўлиш, ердан зар ундириб, манфаатдор бўлиш учун ҳаловатдан кечиш, астойдил меҳнат қилиш зарур.

**Л.САМАДОВ,**
**Қашқадарё вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ҚУВУР ЎҒРИЛАРИ

**Ўтган йилнинг 17 декабри. Кармана туманининг Ибн Сино номли ширкат хўжалиги 6-бригадасида яшовчи Абдумалик Рўзиев эрталаб «Урал» русумли мотоциклида Тўлқин Ямаковнинг уйига борди. У Кармана тумани ҳудудидан ўтувчи «Навоийазот» ОАЖга тегишли чиқиндилар сақлаш ҳовузига ўрнатилган занглամас металлдан ишланган қувурларни ўғирлашни анчадан буён кўнглига тугиб юрган эди. Абдумалик режасини Тўлқин билан ўзаро маслаҳатлашиб, пишитиб олди. Тўлқинда эса материалларни кесиш аппарати бор. Улар кечқурун учрашишни келишиб олишди. Тўлқин ўзи билан О.Жўраевни ҳам олиб борадиган бўлди. Абдумалик бўлса Л.Файзуллаев, О.Ражабов, Н.Райимов ҳамда А.Баротовларни ҳам ёрдамга чорлади. Ахир бундай катта ишни икки-уч киши эплаши қийин-да.**

**Ниҳоят келишилган пайтда дала шийпонида тўпланишди. «Иш»ни муваффақиятли амалга ошириш мақсадида бир шиша ароқни ичиб олдилар. Йўлга чиқиш олдидан Абдумалик Абдураззоқнинг ҳали ёшлигини ўйлади шекилли, унга шу ерда қолишни тайинлади. (Абдураззоқ Баротов 1989 йилда туғилган. Навоий иқтисодиёт-техника коллежининг 2-босқич талабаси). Бироқ у кўнмади. Хуллас, тунги соат ўн иккиларда белгиланган манзилга етиб келишди.**

**Тўлқин пайвандлаш аппаратида қувурни 4-5 метрдан қилиб кесиб бера бошлади. Тонгга яқин ишларни охирига етказишди. Тўлқин билан Отабек аппаратни мотоциклга ортиб, орқага қайтишди. Қолганлар икки мотоциклга қувурларни юклаб, шийпонга қайтиб келдилар. Индинига Абдумалик Ғиждувон туманидан келган нотаниш харидорга қувурларни 1 млн. 200 минг сўмга сотиб юборди.**

**Абдумалик Рўзиев шу пулдан Тўлқинга келишилган 250 минг сўм ҳисобидан қарзи учун 190 минг сўм олиб қолиб, 60 минг сўм берди. Лазизга 180 минг сўм, Абдураззоққа 150 минг сўм, Отабекка 100 минг сўм, Обидга 100 минг сўм ажратиб берди. Қолган пулларни ўзи олиб қолди.**

**Навоийазот ОАЖнинг умумий нархи 11 млн. 856 минг сўмлик, 50 метр узунликдаги занглամас металлдан ишланган қувурларини гум қилган гуруҳнинг жинояти тезкор ҳаракатлар натижасида фош этилди. Тергов давомида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланди. Корхона маъмурияти уларга нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб кўрсатма берди.**

**Жиноий ҳаракатларни содир этганлар устидан суд бўлиб ўтди. Абдумалик Рўзиев, Тўлқин Ямаков, Отабек Жўраев, Лазиз Файзуллаев, Нурали Райимов, Обид Ражабовлар олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Вояга етмаган Абдураззоқ Баротовга беш йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. У ЖКнинг 72-моддасига асосан тайинланган жазога шартли ҳукм қилиниб, 2 йил синов муддати белгиланди. Шунингдек, унинг ўқиш жойи – Навоий иқтисодиёт-техника коллежи маъмуриятига вояга етмаган А.Баротов устидан назорат олиб бориш учун жамоат тарбиячиси тайинлаш масъулияти юклатилди.**

**Келдибой ЖУСУПБЕКОВ,**
**Кармана туман прокурори**



# ҲАР КИМКИ ЁМОН БЎЛСА...

Мирзоҳид жаҳон тиллари университетини таржимонлик мутахассислиги бўйича тугатгач, анча пайтгача тайинли бир ишнинг этагини тутолмади. Кунларнинг бирида пойтахтдаги «Дедеман» меҳмонхонасида иш борлигини эшитиб, ўша ерга борди ва қисқа суҳбатдан сўнг ошпазликка ишга жойлашди.

Таржимонлик соҳасида шунча йил ўқиб, нега соҳаси бўйича ишламади экан, деган фикр кўнгилдан ўтиши табиий. Балки ўз касбини яхши билмас, аммо ошпазлик ҳам осон иш эмас. Умуман, ҳозир осон ишнинг ўзи йўқ. «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда, жон койитмасанг жонона қайда», деб бежизга айтилмаган. Лекин у жон койитмасдан мақсадга эришиш орзусида юрганлар хилидан эди. Шундай кунларнинг бирида собиқ курсдоши Шерзодни учратиб қолди.

У «Янги юксак технологиялар» номли нодавлат-нотижорат ташкилотида директор ўринбосари бўлиб ишлаётган экан. Мирзоҳиднинг ошпазлик қилаётганини эшитиб, бирга ишлашни таклиф қилди.

— Эплай олармиканман? Чет тилини илгари ҳам унча яхши билмасдим. Ҳозир янаям нўноқлашган бўлсам керак, — дея аввалига иккиланди у.

— Э, бу ёғидан ташвиш чекма, — далда берди Шерзод. — Ташкилотимизда ишлаш учун хориж тилини билиш шарт эмас. Муҳими, чет элга бориб ўқишга, ишлашга хоҳиши бор мижозлар топсанг бас.

— Буни қотираман, — деди у хурсанд бўлиб.

Шундай қилиб, найрангбозлар ўз фаолиятларини бошлашди.

Авваламбор, Шерзод Саноқулов ўтган йил бошларида интернет орқали «Янги юксак технологиялар» нодавлат-нотижорат ташкилоти томонидан фуқароларни хорижга иш ва ўқишга жўнатиш бўйича «холис хизмат» кўрсатиши ҳақида эълон берди. Ваҳоланки, мазкур ташкилот номининг ўзиёқ тижорат ишлари билан шуғулланиш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди. Аммо Ш.Саноқулов буни била туриб «Ўзбекистон Республикасининг жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун талабини бузди.

Кўп ўтмай унга фуқаро О.Қорабоев мурожаат қилди. Шерзод уни «Меҳмонхона бизнесини бошқарув» дастури доирасида Буюк Британияга ўқишга ва амалиёт ўтагани юборишга ваъда қилиб, 2200 АҚШ долларини қуртдай санаб олди. Мижозга эса ҳеч қандай тўлов қоғози бермади. Орадан бир неча кун ўтса ҳам уни хорижга жўнатиш бўйича ҳеч қандай чора кўрмади. Бундан шубҳаланган мижоз ниятидан қайтганлигини айтиб, берган пулларини қайтаришни талаб қилади. У пулнинг 2130 долларини бериб, 70 долларини эса айрим ҳужжатларни расмийлаштиришга сарфлаганлигини айтди. О.Қорабоев ҳам бунга лаққа ишониб кўя қолди. Содда одамларни лақиллатишнинг дастлабки натижаси ёмон эмасди.

— Бу ҳали бошланиши, — деди Шерзод дўстига кўз қисиб.

— Қараб тур, қармоғимизга ҳадемай биринкетин «катта балиқ»лар ҳам илинади...

У янглишмаганди. Д.Багдалов ана шундайлардан бири эди: мақсади «Меҳмонхона бизнесини бошқариш» дастури доирасида хорижга бориб келиш экан. Икки ўртоқ ундан ташкилотнинг «Ўзбекбирлашув» биносида жойлашган офисида гўёки инглиз тилидан билимини синаб кўриш мақсадида тест олишди Бу хизматлар учун мижоз Ш.Саноқуловнинг «Миллий банк»нинг Сирғали тумани бўлимидаги ҳисоб рақамига 66,5 АҚШ доллари ўтказди. «Ишбилармон» бу пулни тез орада эҳтиёжи йўлида ишлатиб юборди. Бундан ташқари у ўша мижоз билан қайта учрашиб, энди дастурда иштирок этиши учун 2223 АҚШ доллари тўлаши лозимлигини айтади. Сўнг ҳисобига ўтказилган бу маблағни ҳам нақд пулга айлантириб, Мирзоҳид билан бўлишиб олди.

Шу тариқа ҳамтовоқлар бир неча кишини лақиллатиб, пулларини «туя» қилишди. Аммо бу йўналишдаги «фаолият»лари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида шубҳа уйғотганини пайқашгач, бошқача иш тутишди: яъни «Янги юксак технологиялар» нодавлат-нотижорат ташкилоти аҳолига Бирлашган Араб Амирликларига ишга жўнатиш хизматини кўрсатиши ҳақида интернетда хабар беришди.

Ўша хабар туфайли Б.Рўзиматов, А.Муҳамеджанова, Х.Норметов, Г.Елмуратова, Г.Абенова, О.Абдуллаев, М.Муротовлар фирибгарлар тузоғига осонгина илинишди.

Уларнинг ҳар бири найрангбозлар тайёрлаган қалбаки ҳужжатларга имзо чекиб, 500 доллардан тўлашди. Аниқки, жиноий гуруҳ бу гал ҳам ваъдасининг устидан чиқмади...

Мирзоҳид Санаев тергов ва суд жараёнида айбини қисман тан олган бўлса-да, Шерзоднинг аксарият жиноятларига у ҳам шерик эканлигини жабрдийдалар ва гувоҳлар тасдиқлашди. Жумладан, фирибгарлар идорасига чет элда ишлаш хоҳишини билдириб, 20 дан зиёд фуқаро мурожаат қилган. Уларнинг ҳар биридан олинган 500 АҚШ доллари шахсий эҳтиёжлар учун ишлатиб юборилган.

Шу ўринда Ш.Саноқуловнинг отаси Х.Саноқулов ҳақида ҳам икки оғиз сўз: У ўзи ижарага олган «Холис Гобдин» хусусий фирмаси биносидан икки хонани ноқонуний тарзда текинга «Янги юксак технологиялар» ташкилотига ижарага берган. «Қўйнидан тўкилса — қўнжига» деб шунга айтишса керак-да. Бу ҳам етмагандек, «Янгийўл» санаторийсида фирмаси томонидан бажарилган қурилиш-таъмирлаш ишлари учун салкам уч миллион сўм ортиқча ҳақ олган.

«Айби борнинг, тиззаси қалтирайди», дейишади. Дастлабки тергов чоғида айбланувчилар суддан яширинмасликлари учун эҳтиёт чораси сифатида гаров қўлланилган эди. Бироқ улар лафзларида туришмади: суд мажлисларига сабабсиз келишмади. Х.Саноқулов рафиқасининг суд мажлиси котибига маълум қилишича, ота-ўғил ишлаб пул топгани кетишган эмиш. Қаёққа кетишганини у аниқ билмасмиш. Нима ҳам дердик, бузоқнинг югургани барибир сомонхонагача бўлади.

Ота-бола Саноқуловларнинг жиноий шериги Мирзоҳид Санаев эса қонуний жазосини олди. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукмига кўра М.Санаев олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарорига асосан жазо муддатининг учдан бир қисми қисқартирилди. Ўйлаймизки, бу Мирзоҳид учун бир умрга татигулик сабоқ бўлади.

Мамлакатимизда ишбилармон ва тадбиркорларга яратилаётган шарт-шароитлар йилдан-йилга яхшиланмоқда. Ана шундай бир пайтда юқоридаги уюшган жиноий гуруҳ аъзолари нодавлат, нотижорат ташкилоти ниқоби остида тижорат фаолияти билан шуғулланиб, ўзини ҳам, давлатни ҳам алдамоқчи бўлганларига нима дейсиз? Жиноят содир этган шахс, ким бўлишидан қатъи назар қонун олдида жавоб бериши муқаррардир.

**Азиз МУСАШАЙХОВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи**

---

**Жамиятимизда ҳалоллик ва поклик, ор-номус, мардлик каби қадриятлар ҳамиша эъзозланиб келинган. Кишилар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч самимий муносабатларнинг пойдеворидир. Зеро, ҳаётда одамлар нафақат ўзлари учун, балки бошқалар учун ҳам яшайдилар. Ўзгаларнинг ҳақига хиёнат қилиш қадимдан гуноҳ саналган. Шу боис халқимизда «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик», деган нақл бор.**

**Ривоят қилишларича, қадимда бир мусофир йигит боғ бўйлаб кетаётган экан, боғ бўйидаги ариқда оқиб кетаётган олмани кўриб, уни олибди-да, тишлаб: «буни ким етиштирган экан, олма учун розилигини олишим керак», дея эгасини қидиришга тушибди. Мусофир олма эгаси боғбонни топиб, мева учун рози бўлишини сўрабди. Боғбон эса бунинг учун унга бир йил текинга ишлаб бериши кераклигини айтибди. Шундай бўлибди ҳам. Аммо бир йил ўтса ҳамки, боғбон йигитга рухсат бермабди. Бу ҳолдан ҳайрон бўлган йигит бунинг сабабини сўраса, боғбон унга: «Менинг кўр, кар ва соқов қизим бор, унга уйланасан. Шундагина олмага рози бўламан», дебди. Йигит бу шартга ҳам рози бўлибди. Йигит қизнинг ҳусңда бениҳоя гўзаллигини кўриб, боғбондан: «Нима учун қизингизни нотўғри таърифладингиз», деб сўрабди. Боғбон: «Қизим ёмон нарсаларни кўрмаган, ножўя сўзлар эшитмаган, хунук сўзлар сўйламаган. Сенинг меҳнатсеварлигинг, сабринг, мардлигинг ва ҳалоллигингга тан бериб, қизимни сенга узатаман», деган экан.**



# ҲАЛОЛЛИК — ИНСОННИНГ ЗИЙНАТИ

Содир этилаётган айрим жиноятлар, аниқроғи, баъзи нопок кимсаларнинг фойдали меҳнат билан шуғулланмай, фирибгарлик йўли билан пул ва бойлик орттираётганлиги кишини ўйлантиради. Тергов ва суд амалиётидан кўринишича, фирибгарлик турли шакл ва қиёфаларда намоён бўлмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади. Мулкка қарши ҳар қандай тажовузлар қонун билан жазоланади. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси «Фирибгарлик» деб номланган бўлиб, у «алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш»ни назарда тутади ва бундай хатти-ҳаракатлар учун жиноий жазо чораларини кўзда тутади.

Содир этилган айрим фирибгарлик жиноятларининг тавсифларига қарайлик. 2006 йилнинг май ойида Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги кўп қаватли уйларнинг бирида яшовчи фуқаро Н.Рогожина фуқаро Т.Закиров билан 3 хонали бўш турган хонадонини капитал таъмирлаш тўғрисида оғзаки битим тузади.

Аслида бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси талабларига мувофиқ ёзма шаклда пудрат шартномаси тузилиши лозим эди. Негаки, унда буюртмачининг қонуний манфаатларини ҳимоялаш чоралари белгиланиши зарур эди.

Келишувга асосан, Т.Закиров буюртмачи Н.Рогожинанинг ишончига кириб, иш ҳақи учун келишилган 900 АҚШ долларидан 200 ини олиб, яна буюртмачи ҳисобидан айрим қурилиш материаллари сотиб олиб, хонадонга олиб келади. Кейин 2 нафар бошқа фуқароларни ишга ёллаб, таъмирлаш ишларини бошлайди. Бироқ хонадонни таъмирлаш чўзилиши баробарида «пудратчи», кейинчалик Н.Ю.Рогожинадан яна кўп миқдорда пул олади. Орада Н.Ю.Рогожина томонидан сотиб олинган сантехника мосламалари, пластик ром ва бошқа моддий қимматликларни ҳам сотиб, пулини ўз манфаатлари йўлида ишлатиб юборади. Жабрланувчи бир томондан пул ва нарсаларидан айрилади, иккинчи томондан уйи чала таъмир ҳолатида ташлаб кетилади. 2006 йилнинг кузигача кутган уй эгаси, ниҳоят фирибгарлик қурбони бўлганлигини англаб, милиция органларига ариза билан мурожаат қилади.

Дастлабки терговда Т.С.Закиров фирибгарлик йўли билан фуқаро Н.Ю.Рогожинага банк курси бўйича ҳисоблаганда жами 4.596.259 сўм миқдорида моддий зарар етказганлиги аниқланди. Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов туман судининг ҳукмига кўра Т.С.Закиров ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга 5 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

Аксарият ҳолларда фирибгар шахслар тижорат ёки ишлаб чиқаришни юргизиш учун ўзларининг танишларидан катта миқдорда пул олишади. Содда, ишонувчан одамлар эса фирибгарларнинг ваъдасига учиб, бир сўм осонликча икки сўм бўлишини орзу қилиб, омонатларини ўз қўллари билан топширмоқдалар. Охир-оқибат, улар йиллар давомида сансалорликка учраб, тергов ва суд идораларидан ёрдам сўрашади.

Шундай ҳолатга фуқаро М.Гулямова ҳам тушиб қолади. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган Х.Носиров бу аёлнинг уй сотиб олиш учун жамғариб қўйган 4000 АҚШ доллари борлигини билиб қолади ва у билан яқиндан танишиб, ишончига киради. 2004 йилнинг июнь ойида «Пулларингизни уй сотиб олгунингизча тижоратга ишлатайлик, кейин оладиган фойдамизни тенг бўлишиб оламиз», деб авраиди фирибгар.

Аввалига М.Гулямова ишонқирамай, пулларнинг ярмини, кейин яна қолганини беради. Албатта, Х.Носиров бу пулларни олганлиги ва бир ҳафта ичида қайтариб бериши ҳақида ўз қўли билан тилхат ҳам ёзиб беради. Лекин М.Гулямова икки йил ўз пулларини қайтара олмай, фирибгарнинг қуруқ ваъдалари билан овора-ю сарсон бўлиб юради. Ва ниҳоят, бундан тергов органлари хабар топиб, жиноят иши қўзғатилади ва Х.Носиров эҳтиёт чораси тариқасида қамоққа олинади.

Жиноят ишлари бўйича Собир Раҳимов тумани судининг ҳукмига кўра Х.Носиров ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, унга 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланади.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Ҳолбуки, фуқаролар ўз жамғармаларини қонуний тарзда, банкларда сақлаш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин эди.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги «Аҳолининг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк тизимига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Бу норматив ҳужжат нафақат банк сирини таъминлашга, балки жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг банклар билан ҳуқуқий муносабатларини янада ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларининг манфаатларини ҳимоя қилишнинг қўшимча чора-тадбирларини кўзда тутади.

**Мухторжон ШОДМОНОВ,**
**Собир Раҳимов тумани прокурорининг ўринбосари**

Нидиқ

3 июнь куни Андижон шаҳри, Боғишамол даҳасининг Космонавтлар кўчасидаги ҳовлилардан бирига тезкор тергов гуруҳи етиб бориб, воқеа жойини кўздан кечиришга киришди. 28 ёшга кирган хонадон бекаси эрталаб соат ўнларда касалхонага келтирилган. Унинг қорнига пичоқ санчилган, кўп қон йўқотиб, жони узилган. Хонадонга қариндошлар, қўни-қўшнилар йиғилган, марҳумани касалхонадан келтириб дафн этишга тайёргарлик кўришмоқда эди. Хонадон соҳиби яқинларининг сўзларига қараганда гўё марҳуманинг устига бехос музлатгич ағдарилганида пичоқ қорнига санчилган, ўғлининг аямни холодильник босиб қолди, деган йиғисини эшитиб ичкари уйдан югуриб чиққан Иброҳимжон ҳожи жароҳатланган хотинини дарров машинасига жойлаб касалхонага йўл олган. Марҳуманинг тўққиз яшар катта ўғли аёл-муаллима ва холаси иштирокида шу ернинг ўзида сўроқ қилинган. Бола «аямни устига холодильник ағдарилди, унинг тепасида турган пичоқ қорнига санчилиб қолди» деган. Иброҳим ҳожи ҳам касалхонада, дастлабки сўроқда юқоридаги гапни айтган эди. Чиндан бахтсиз ҳодисами? Музлатгич қандай қилиб ўз-ўзидан ағдарилди? Қолаверса, унинг устидаги пичоқ тикка сирғалиб тушиб, қорнига чуқур ботиб кирганига ишониш қийин, ёш бола бировлар ўргатган гапни такрорлаётгани ҳақиқатга яқинроқ эди.



# Бахтсиз ҳодисами ёки...

Оиладаги эр-хотин муносабатларини атрофлича ўрганиш жараёнида қотиллик мотиви юзага қалқиб чиқди. Иброҳим ҳожи ўттиз уч ёшга кирган, норасмий равишда тадбиркорлик билан шуғулланарди. Акаси Ғуломжоннинг бозорда дўкони бўлиб, қурилиш ашёлари, асосан буёқ сотишарди. У аввалги хотини билан муросалари келишмасдан ажрашгандан кейин 1997 йили ўзидан беш ёш кичик Сурайёхонга уйланади. Алоҳида ҳовли-жой олиб, дастлабки беш-олти йил мобайнида аҳил-иноқ яшашади. Уч фарзандли бўлишади. 2003 йили Сурайё ҳомиладорлик кезларида Иброҳим ҳожи норасмий тарзда Муҳайё исмли аёлни ўзига никоҳлаб олади. Хотини буни билиб қолгач, уйда доимий уруш-жанжаллар одат тусига киради. У Сурайёни аямай уриб-калтаклаб, ўзидан безиришга уринади.

—Қизим Сурайёхон кенжа ўғлига ҳомиладорлик пайтлари, 2003 йили куёвим Иброҳимжон Муҳайё деган аёлни иккинчи хотин қилиб олганини билиб қолди, — деди терговда жабрланувчи Д.Масаидова. — Ё уни, ё мени дейсиз, деб жанжаллашганидан кейин қизимни ёмон кўриб, арзимаган баҳоналар билан уриб-дўппослайверди. Қизим боламни туғиб олсам, инсофга кирар, деб ҳаммасига чидади. Мен ҳам унга сабр қилгин, болаларинг етим бўлмасин, турмушларинг яхши бўлиб кетади, деб насиҳат қилардим. 2005 йили Наврўз байрами арафасида Иброҳим яна қизимни уриб, юз-кўзларини кўкартириб мени уйимга ташлаб кетди. Нима бўлди, деб сўрасам, «ҳожи одамсиз, худодан қўрқинг, ҳаром юрманг, касофати болаларингизга, менга урмасин» деганим учун калтаклади, деди. Сурайёхон ўн кун даволанганидан кейин тағин уйига қайтиб борди. 2006 йил февраль ойида Иброҳимжон Муҳайё билан телефонда гаплашаётгани устидан чиқиб қолиб, яна уни инсофга чақиргани, яширинча бўёқ сотиши ҳам яхшиликка олиб бормаслигини айтгани учун дўппослаб уриб, ҳаммаёғини қонталаш қилиб ташлабди. Беномус уйига ўйнаши билан синглисини ҳам бошлаб келган. Муҳайё ва синглиси Раъно ўз уйида қизимни ўртага олиб уришганда ҳам ажратиб қўймапти. Сурайёхоннинг вафоти уч-тўрт кун олдин телефон қилиб, «ҳар куни уриб кун бермаяпти, мени олиб кетинглар, ҳаммаёғимни кўкартириб юборди, орият кучли, чидаяпман» деб айтганди. Ўшанда кўч-кўронини йиғиштириб олиб келмайманми? Буни ўрнига «учта боланг бор, сабр қил» деб тасалли берибман. 2 июнь куни кечаси ўн бирларда қизим телефон қилди. «Ая, Иброҳим Муҳайёникида экан. У ҳозир телефонда эринг менинг қўйнимда ётибди, агар яхшиликча ажраб кетмасанг, охири ёмон бўлади деяпти, қўрқиб кетяпман, опкетинглар», деб йиғлади. Мен куёвнинг акаси Ғуломжонга телефон қилиб Иброҳимни йўлга солинг, деб илтимос қилдим. У бўпти, ўзим гаплашиб қўяман, дегани учун кўнглим тинчиди. Гаплашдими, гаплашмадими, билмадим, лекин бир кун ўтиб қизимни куёвим ўлдириб қўйди. Қизим ўзининг жонига қасд қилгани, холодилник устига йиқилгани, пичоқ ўзидан-ўзи қорнига санчилганини Иброҳим ўйлаб чиқарган...

Воқеа жойи дастлаб кўздан кечирилганида пичоқ йўқ эди. Тергов жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари орқали жиноят қуроли топилди.

Иброҳимжон ҳожи ярадор хотинини акасига тегишли, уйига ўзи бошқариб келган «Мерседес» машинасига ётқизгач, укаси Илҳомга қўл телефонида қўнғироқ қилган. У «Матиз» машинасида етиб келганида кўча эшиги ёнида жиянлари ўтиришган эди. Қўшни Лутфулло акани чақириб, келинойимни холодилник босиб ўлиб қопти. Ҳозир опкелишаркан, уйни йиғиштиришга ёрдам берворинг, деди.

— Ҳовлига кирганимизда қўни-қўшнилар ташқаридаги бўёқ идишларини ичкарига ташишаётган эди, — деди гувоҳ Лутфулло Исроилов. — Мен ҳам идишларни ертўлага ташишга қарашаётгандим. Соат ўнларда Сурайёнинг онаси, опаси ва укаси келишди. Тўс-тўполон кўтаришди. Сурайёнинг онаси ҳушидан кетди. Илҳом машинаси калитини менга берди, аёлни Боғишамолдаги поликлиникага олиб бордим. Врач дори бериб ҳушига келтиргач, қайтариб ҳовлига олиб келдим. Шунда Илҳом: «Сурайё кеннойим ўзига тиқиб олган пичоқ билан чопқини яна бирон кор-ҳол бўлмасин деб сочиққа ўраб мошинага ташлаб қўйгандим, жойида турибдимикин» деб, эшигини очиб қаради. «Пичоқни учи қон, тағин қон-қонни чақирмасин, бирон жойга ташлаб йўқотиб келинг, илтимос, кўряпсиз-ку, Сурайё кеннойимни онаси мен ҳам биронтангни ўлдираман деб пичоқ излаяпти», деди. Унинг айтганини қилиб «Матиз» машинасида Боғишамол маҳалламизнинг чеккасидан оқиб ўтган ариққа бориб, сочиққа ўралган пичоқ билан чопқини ташлаб юбордим...

Гувоҳ Л.Исроилов кўрсатган жойдаги зовур ичидан магнит ёрдамида пичоқ ва чопқи чиқариб олинди. Марҳуманинг тўққиз яшар ўғли холаси ва муаллима иштирокида такроран сўроқ қилинганида дастлабки кўрсатмасида дадасининг опалари-аммалари ўргатган гапларни айтганини сўзлаб берди. «Дадам билан аям уришганларидан кейин аям қочди. Дадам уни қувиб бориб қорнига пичоқ санчди. Мен уни орқасида тургандим».

Гарчи, айбланувчи Иброҳим ҳожи Байбоев айбига иқрор бўлмаса-да, гувоҳларнинг кўрсатмалари ёрдамида ўша кунги воқеа тафсилотлари яхлит ҳолда тикланди. Иброҳим ҳожи Байбоев 2 июндан 3 июнга ўтар кечаси Муҳайёнинг уйида ётиб қолади. Эрталаб акаси Ғуломжонга тегишли «Мерседес» автомобилида дўконларининг ишчилари Салоҳиддин ва Зафарбекни уйларидан чақириб машинасига ўтқазади. Ҳовли уйига келиб ташқарида териб қўйилган банка идишлардаги бўёқларни машинага юклай бошлашади. Тунда Муҳайё телефон қилиб ҳақоратлаган Сурайёхон «краскаларга тегманглар» деб эшик олдида йўлларини тўсади. Бегоналар олдида мулзам бўлган Иброҳим ҳожи «бекор айтибсан» деб юклайверишни буюради. Эр-хотин жанжаллашаётган пайтда кириб келган Ғуломжон «бугун бўлмаса, эртага» дея уларни муросага келтиради. Иброҳим ҳожи Салоҳиддин билан Зафарбекка жавоб бериб, холи қолганларида хотинини яна дўппослаб уради. Қочиб яширинмоқчи бўлганида етиб олиб, қорнига пичоқ санчади. Хотинини дарров касалхонага ётқизиш ўрнига жиноят изларини йўқотиш мақсадида унга бошқа кўйлакни кийгизади. Укаси Илҳомжонга опангни касалхонага олиб кетяпман, уйга келиб йиғиштириб қўйгин, деб тайинлайди. Укаси, опалари ҳовлига келиб Сурайёхоннинг қон юқи кийимларини ёндиришади. Ҳовлида турган бўёқларни қўшнилар билан бирга ертўлага ташиб қўйишади. Жиянларига «сўраганларга аямни холодильник босиб қолди, дейсанлар», деб уқтиришади. Маҳаллага ҳам шу гапни ёйишди. Бироқ қотил ва яқинларининг терговни чалғитишга, мудҳиш воқеани бахтсиз ҳодиса қилиб кўрсатишга уринишлари бесамар кетди. Тергов мобайнида шунингдек, ака-ука Ғуломжон ва Иброҳим Байбоевлар ғайриқонуний тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишгани, лицензия олмай 13 миллион сўмликдан зиёд лак-бўёқ маҳсулотларини сотишгани, даромадларини солиқдан яширишгани фош этилди. Сурайё жанжал чиққанида «яширинча краска сотишни бас қилинг», деб бир неча бор айтган, хотини кундоши туфайли жанжал чиқаришидан ташқари сирини ошкор этиб қўйишидан ғазабланган Иброҳим ҳожи ўша куни унинг жонига қасд қилганди. Суд жараёнида Иброҳим ҳожи Байбоев ўз хотинини қасддан, шафқатсизларча ўлдиргани тўлиқ исботланиб, 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди.

**Камолиддин ЗУЛФИЕВ,**
**Андижон вилоят прокуратураси катта терговчиси**



# Ногоҳ узилган ўқ

Судланувчи Воҳид Худойназаров Навоий вилоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патрул хизматида инспектор лавозимида ишлаган. Оилали, икки фарзанднинг отаси. Унинг суд «қора курси»сида ўтиришига сабаб нима?

...Воҳиднинг оиласида анчадан бери тез-тез жанжаллар бўлиб турарди. Эр-хотин ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар кейинги пайтда янада авжга чиқди. Аёл ота уйига кетиб қоладиган одат чиқарди. Қавму қариндошларнинг ҳам, маҳалла-кўйнинг аралашувлари ҳам кор қилмади. Иш шунчаликка бориб етдики, энди ажралишдан ўзга чора қолмаётгандек эди. Турмуш ўртоғи Дилнавоз Худойназарова ажралиш ҳақида судга ариза беради.

2006 йил 26 сентябрь куни Воҳид Худойназаров эрталаб хизмат қуролини қабул қилиб олгач, вазифасини ўташ учун Кармана тумани автошоҳбекатига боради. Соат ўнлар атрофида фуқаролик ишлари бўйича Кармана туманлараро судига чақиртирилганлиги сабабли ўз раҳбарларини огоҳлантирмасдан, хизмат қуролини топширмасдан ва хизмат постини ташлаб, танишининг «Дамас» русумли машинасида уйига келади. Икки фарзандини олиб суд биносига боради. Турмуш ўртоғи ота уйига кетиб қолган эди. Хотинини бу ерда кўргач, фарзандларини кўрсатиб, «Юр, уйга кетайлик, мана фарзандларинг соғ-саломат. Уйингдагиларнинг гапига қулоқ солма. Турмушимизни бузмайлик», дейди. Рафиқаси эса ажрашиши қатъий эканлигини айтиб, унинг таклифини рад этади.

Судья ишни кўриб чиқиб, жавобгар ва даъвогарга ярашиш учун уч ой муддат беради.

Суд залидан фойега чиқишгач, Воҳид билан унинг қайнонаси ва турмуш ўртоғи ўртасида ўзаро жанжал чиқади. Таранг тортилган асаблар панд берди. Ўзини идора қилолмай қолган В.Худойназаров хизмат қуролини ишга солади ва шафқатсизлик билан турмуш ўртоғининг кўз ўнгида дастлаб қайнонасига қарата ўқ узади. Кейин қуролни хотинига қаратиб, иккинчи ўқни узади. О.Камолова шу ернинг ўзида, Д.Худойназарова касалхонада вафот этади.

Ўқ овозларини эшитиб, суд биносини қўриқлаш юклатилган Навоий шаҳар ИИБ «Қўриқлаш» бўлими милиционери А.Элмуродов суд биноси томон югуриб боради. Бино эшигидан чиқиб келаётган Воҳид Худойназаровнинг қўлида хизмат қуролини кўриб, уни тўхтатмоқчи бўлади. Шунда Воҳид «Йўлимни тўсма, хизматингни қилавер», деб осмонга ўқ узади. У вилоят ИИБ ЙҲХЮ келиб, бошлиққа воқеани айтиб беради ва ўзини топширади.

Ушбу қотиллик жинояти судда кўриб чиқилди. Суд В.Худойназаровни Жиноят Кодекси 205-моддасининг 1-қисми, 97-моддаси 2-қисмининг «а», «ж» бандлари, 219-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбдор деб топди ва уни 20 йилга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори 7-бандининг «б» кичик банди татбиқ этилиб, ўталмай қолган жазони тўртдан бирга қисқартириш лозим деб топилди.

Оилавий келишмовчиликлардан чиққан можаро икки кишининг ўлими билан фожиали тугаб, ички ишлар тизимида хизмат қилган бир ходимнинг узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилишига сабаб бўлди.

**Бобошер ҚУРБОНОВ,**
**жиноят ишлари бўйича Навоий вилоят суди судьяси**

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ ҚОШИДАГИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

**9 май — «Хотира ва қадрлаш куни» билан ҳамюртларимизни қутлаб, барчага соғлиқ-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилайди! Республикамизнинг ноёб табиий иқлими, маъданли сувлари ва барча даволаш омилларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларига таклиф этади:**



Тошкент шаҳрида:
**«ТУРОН» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**«ЧИНОБОД» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳазм аъзолари, қанд( диабет) ва гинекологик касалликлар

Тошкент вилоятида:
**«БОТАНИКА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«БЎСТОН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар

**«УМИД ГУЛШАНИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Гинекологик, андрологик касалликлар

**«ОҚТОШ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Бухоро шаҳрида:
**«СИТОРАИ МОҲИ ХОСА» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Буйрак касалликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятида:
**«ЗОМИН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

**«МИРОҚИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида:
**«ЧОРТОҚ» ОАЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, геникологик ва тери касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.





**«КОСОНСОЙ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлар.

**«НИҲОЛ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлар.

САМАРҚАНД вилоятида:
**«АБУ АЛИ ИБН СИНО» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари. Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.



Хоразм вилоятида:
**«ХОНКА» САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, геникологик ва тери касалликлар.

Фарғона вилоятида:
**«ЧИМЁН» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, геникологик ва андрологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятида:
**«ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ» МЧЖ САНАТОРИЙСИГА**
Даволаниш учун кўрсатма:
Юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, геникологик ва андрологик касалликлар.



**Касаба уюшма ташкилотларга йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Шу билан бирга Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.**

*Бизнинг йўлланмаларимиз Марказий Осиёдаги энг арзон йўлланмалардир!*

**ДАВОЛАНИШ муддати — 14 кун**

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: 153-85-68, 153-70-97**

**Huquq**
yuridik gazeta

Ta'sischi:
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

Bosh muharrir:
***Jahongir MAKSUMOV***

Tahrir hay'ati:
**Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV** *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, **Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV** *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
**Telefon:** 133-98-82, 133-10-53.
**E-mail:** huquq97@mail.ru
**Faks:** 133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ' ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Buyurtma Г — 455. 19 788 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: **G`.ALIMOV**
Musahhih: **A.MUSTAFOYEVA**

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

**Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.**

**Sotuvda erkin narxda**

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 22.30 2345678

